

## Ёдгорлик мажмуасига ташриф

Қалб хотиржамлиги, дил поклиги, руҳ осойишталиги зиёрат ва илм ҳам ибодат билан. Донишмандларнинг бу ўгитида улуғ ҳақиқат бор. Ўтганлар руҳини шод этиш, илм-у амалларини ёд этишининг ҳикмати ҳам катта. Қалбга жо бўлган қадамжоларни зиёрат қилиш масъулият ва мажбуриятни ҳис этишга имкон туғдиради. 2018 йил 7 декабрь куни “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети “Сув хўжалигида экология хавфсизлиги” таълим йўналиши 106-гуруҳ талабалари гурух раҳбари ҳамроҳлигига Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюришди. Ташриф давомида талабалар “Оқ сарой” қароргоҳида ташкил этилган ёдгорлик мажмуаси, музейдаги экспонатлар билан танишишди.



**“СХТЭ ва Б” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**